



КУН ИҚТИБОСИ

Дания ЕСПАЕВА,
Парламент Мажлиси депутати:
– Энди давлат томонидан фақат мамлакат молиявий тизими учун стратегик аҳамиятга эга бўлган банкларга ёрдам кўрсатилиши мумкин. Бундай қарорни Қозоғистон Республикаси Миллий банки ва Молиявий бозорни ривожлантириш агентлиги қабул қилади.

»» Президент Мактуби – амал дастури

ЯНГИ САРМОЯВИЙ СИЁСАТ – ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ



Қозоғистон бугун дунёвий рақобат ва геосиёсий ўзгаришлар шароитида ўз иқтисодий сиёсатини янги босқичга кўтармоқда. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг жорий йилги Мактубида таъкидланганидек, мамлакат тараққиётининг пойдевори – кенг қўламли сармояларни жалб қилиш, ички салоҳиятни тўлиқ ишга солиш ва замонавий технологияларни жорий этишдир.

Ҳукумат белгилаб берган устувор соҳалар орасида автомобилсозлик, темирйўл машинасозлиги, кимё ва нефть-кимё саноати, ноёб металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, аграр маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш каби тармоқлар бор. Бу соҳалар мамлакат ички эҳтиёжларини қондириш баробарида экспорт бозорларида ҳам рақобатбардошликни таъминлай олади.

Иқтисодчи Расул Рисмамбетов таъкидлаганидек, сармоя жараёни аввало, ички захираларни ишга туширишдан бошланиши зарур. Бу – миллий жамғарма имкониятлари, давлат-хусусий шериклик дастаклари ва маҳаллий капиталдан самарали фойдаланиш демакдир. Сармоя – технология замонавийлашувга йўл очувчи куч. Айниқса, металлургия ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида замонавий технологияларни жалб қилиш муҳим.

Қозоғистон юксак сармоявий салоҳиятига эга, аммо уни рўёбга чиқариш учун халқаро ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш зарур. Бу йўлда суд-ҳуқуқ тизимининг самарадорлиги, сармоядорларга кафолат ва қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди. Давлат дипломатик ваколатхоналар, "Kazakh Invest" миллий компанияси ва бошқа тизимлар орқали зарур инфратузилмани яратган. Энди энг асосийси – бу дастакларни уйғун ҳолда ишлатиш.

Ҳукумат 5 триллион тенгедан ортиқ қийматга эга сармоявий лойиҳаларининг янги тўпламларини шакллантирмоқда. Бу жараёни "Байтерек" миллий бошқарув холдинги тўлиқ зиммасига олади. Шунингдек, Миллий банк билан ҳамкорликда юқори технологияли соҳаларга сармоя жалб этиш дастури ишлаб чиқилмоқда. Унинг умумий ҳажми 1 миллиард долларга тенг бўлиб, маблағлар Миллий жамғарма ва тижорат банклари орқали йўналтирилади.

Янги "Банклар тўғрисида" қонуни молия тизимини ривожлантириш ва рақамли активлар айланмаси учун ҳуқуқий асос яратди. Савдо сиёсатида эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун аниқ квоталар белгиланган: савдо тармоқларида камида 30 фоиз ўрин маҳаллий маҳсулотларга ажратилади. Давлат имтиёзларидан фойдаланувчи савдо субъектлари дўкон расталарининг камида 50 фоизини озиқ-овқат, 20 фоизини эса нооziқ-овқат турларидаги маҳаллий маҳсулотларга ажратилиш шарт.

"Made in Kazakhstan" бренди тарғиботини кучайтириш мақсадида маҳсулотларни мажбурий тарзда кўринали белги (маркировка) билан таъминлаш ва уларни қўлай ўринларга жойлаштириш талаб этилади. Бу бозорда маҳаллий маҳсулотлар нуфузини ошириб, миллий иқтисо-

диётни барқарор ривожлантиришга хизмат қилади.

Янги ислохотлар орқали иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияларини фаол активлар бошқарувчисига айлантириш режалаштирилган. Бу орқали маҳаллий тадбиркорлик ривожланади, давлат эса стратегик созлаш вазифасига йўналтирилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш доирасида тўсиқларни бартараф этиш ишлари давом эттирилади. Стратегик режалаштириш ва ислохотлар агентлиги ҳузурида "Созловчи идрок маркази" ташкил этилмоқда. Бу янги рақамли восита бўлиб, қонунчилик меъёrlарини таҳлил қилиш, қайта кўриб чиқиш ва қабуллаштириш жараёнларида сунъий идрокдан фойдаланади.

Шу билан бирга, "Давлат мулки тўғрисида"ги Қонун ҳам қайта кўриб чиқилиб, унда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартиришга алоҳида ургу берилди. Шунингдек, ижтимоий-тадбиркорлик корпорациялар фаолиятининг шакли ҳам қайта кўриб чиқилмоқда. Улар активларни бошқариш ва иқтисодий фаолликни рағбатлантиришнинг самарали тизими айланиши керак.

Банкларни давлат ҳисобидан қутқариш даври ҳам тугади.

Мажлис депутати Дания Еспаева таъкидлаганидек, эндиликда муаммоли банкларнинг молиявий аҳволини давлат ҳисобидан тузатиш амалиёти чекланади. Бу янгиллик "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида акс этмоқда.

Аҳоли ва депутатлар томонидан ҳам узоқ йиллардан буён бюджет маблағлари ҳисобидан хусусий банкларни қутқариш амалиёти танқид қилинади. Бу тизим нафақат давлатнинг молия соҳасига оғир юк солди, балки банклар раҳбариятида "ҳукумат ёрдам беради" деган масъулиятсизлик ва боқимандалик кайфиятини ҳам шакллантирди.

Янги қонунга кўра, эндиликда банк ўз муаммосини ўзи ҳал қилиши шарт. Энди фақат мамлакат молиявий тизими учун стратегик аҳамиятга эга бўлган банкларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши мумкин. Бундай қарорни Қозоғистон Республикаси Миллий банки ва Молиявий бозорни ривожлантириш агентлиги қабул қилади.

Ушбу чоралар – иқтисодиётни эркинлаштириш, молиявий соҳада ошқоралик ва масъулиятни кучайтиришнинг муҳим босқичидир. Бу қадам банк тизимини соғломлаштириб, бутун молиявий бозорда ишонч ва барқарорлик муҳитини яратишга хизмат қилади.

Шу тариқа молиявий шаффофлик ва рақамлаштириш солиқ сиёсатидаги асосий тамойиллардан бирига айланади.

Қозоғистоннинг янги сармоя сиёсати – иқтисодий дастур ва келажак стратегиясидир. Агар белгиланган чоралар тўлиқ амалга оширилса, мамлакат саноат ва технология соҳасида янги босқичга чиқади, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги ошади, энг муҳими – халқ фаровонлиги юксалади.

А. АБДУФАТТОҲ.

Жанубий Қозоғистон



1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 18 сентябрь, пайшанба, №99 (3600).

»» Президент



ПРЕЗИДЕНТ: ДЕҲҚОНЛАР ВА БАРЧА АГРАР СОҶА ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ

Kazinform. Давлат раҳбари Ақмўла вилоятининг Зеренди туманида йиғим-терим мавсуми бошланган минтақа деҳқонлари билан учрашув ўтказди, дея хабар беради Ақорда матбуот хизмати.

Видеоанжуман орқали уюштирилган тадбирда Қўстанай, Павлодар ва Шимолий Қозоғистон вилоятлари деҳқонлари иштирок этди.

Президент Ақмўла вилоятга йиғим-терим мавсумининг бориши билан танишиш учун махсус ташриф бюрганини маълум қилди.

– Фалла ҳосилини ўз вақтида йиғиб олиш зарур. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи, ички бозор барқарорлиги бу борадаги ишлар билан бевосита боғлиқ. Йиғим-терим мавсумини муваффақиятли ўтказасак, экспорт салоҳиятимиз ортади. Ўтган йил мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси учун самарали бўлди. Деҳқонлар астойдил меҳнат қилиб, рекорд натижаларга эришди. Буларнинг барчаси агротехникадан самарали фойдаланиш натижаси. Ишлаб чиқаришнинг технологик салоҳиятини юксалтириш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар амалда ўз ифодасини топтомоқда, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбарининг фармойиши билан жорий йилда қишлоқ хўжалиги-

га 1 триллион тенге имтиёзли кредитлар ажратилди.

Президент мамлакат деҳқонларига машаққатли меҳнати учун миннатдорчилик билдирди.

– Ҳар йили йиғим-терим мавсумида касб маҳоратингиз, матонатингиз, ватанпарварлик фазилатларингиз синовдан ўтказилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ходимлари бу синовдан беҳато ўтадилар. Сизлар озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, қишлоқлар ҳаётини яхшилашга улкан ҳисса қўшмоқдасизлар. Давлат деҳқонларни қўллаб-қувватлаш борасида мисли қўрилмаган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Натижада агротехнологиядан фойдаланиш юқори даражага кўтарилиб, ҳосилдорлик ошди, – деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаев деҳқонлар давлатнинг қўллаб-қувватлаш дастакларидан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

– Биз сув кам сарфланадиган серхосил экин турларини етиштиришга устувор аҳамият қаратиб, қишлоқ хўжалиги йўналишини ранг-баранглаш-

тиришни давом эттиришимиз керак. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириб, катта даромад олиш имконини беради. Об-ҳаво шароитига қараб, ҳосилни имкон қадар тежамкорлик билан йиғиб олиш зарур, – деди Давлат раҳбари.

Қасим-Жўмарт Тўқаев қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга тўхталди.

– Замонавий хирмонларни куриш ва техник хизмат кўрсатиш учун катта сармоялар талаб этилиши аниқ. Бунинг учун махсус имтиёзли молиялаштириш дастурини ишга тушириш зарур. Шунингдек, сифатли уруғ етиштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қолаверса, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган уруғлик билан таъминлаш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар кўриш зарур.

Давлат раҳбари қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни жорий этишни жадаллаштириш юзасидан топшириқ берди.

– Фақат оммавий рақамлаштириш орқали биз иқтисодиётнинг барча тармоқларида шаффофлик ва самарадорликни таъминлашимиз мумкин. Бу масалага Мактубимда батафсил тўхталдим. Қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни жорий этишни жадаллаштириш зарур, – деди Президент.

ИШЧИ КАСБЛАРИ – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ҳар бир инсон ҳаётида энг муҳим қарорлардан бири – бу касб танлашдир. Бу жараён фақат шахсий қизиқиш ва қобилиятларга боғлиқ эмас. Аслида, у кенг ижтимоий, маънавий ва иқтисодий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, касб танлаш – ёшларнинг узоқ муддатли руҳий шаклланишига таъсир этувчи мураккаб жараёндир.

Ёшлиқда қабул қилинган қарор кейинчалик бутун ҳаёт йўлини белгилаб беради. Шунинг учун мактабданок ўқувчиларнинг қизиқишлари, қобилиятлари ва имкониятларини тўғри баҳолаш, уларга тўғри йўл кўрсатиш зарур. Бу ерда нафақат ўқитувчи, балки ота-она, жамият, ҳатто давлат сиёсатининг ўрни бекиёс.

Бугунги кунда мамлакатимизда техник ва касбий таълим тубдан ислоҳ этилмоқда. Коллежлар тармоғи янгиланмоқда, таълим дастурлари замонавий талабларга мослаштирилмоқда. Айрим соҳаларда – атом энергетикаси, дрон муҳандислиги, ро-

бототехника, рақамли лойиҳалаштириш каби мутлақо янги касблар ўқув дастурларига киритилди.

Бу ўзгаришлар ёшларнинг келажакда бозор талабига тўлиқ жавоб берувчи мутахассис сифатида шаклланишига хизмат қилади. Чунки ҳар қандай давлатнинг тараққиёти – аввало, унинг билимли, малакали ва меҳнаткаш ёшларига таянади.

2025 йил Қозоғистонда "Ишчи касблари йили" деб эълон қилинди. Бу ташаббус юртимиздаги меҳнат бозорини ривожлантириш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш ва ишчи касбларининг нуфузини оширишга қаратилган. Чунки замонавий иқтисодиётда фақат олий маълумот эмас, балки аниқ амалий кўникмалар, замонавий технологияларни ўзлаштирган мутахассислар катта талабга эга.

Шу боисдан ҳам мамлакатда касбий йўналтириш, маслаҳат тизимини такомиллаштириш давлат сиёсати даражасида аҳамият касб этмоқда.

"Ишчи касблари йили" доирасида қатор амалий чора-тадбирлар белгиланган:



2025 йил –
Ишчи
касблари
йили

* касб-хунаар коллежлари ва техникумларнинг моддий-техник базасини янгилан;

* замонавий ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда амалиёт дастурларини йўлга қўйиш;

* ёшлар учун махсус грантлар ва стипендиялар жорий этиш;

* касбий кўргазмалар, ярмаркалар ва маҳорат сабоқлари ўтказиш.

Ривожланган давлатларда ишчи касблари иқтисодиётнинг асосий таянчи ҳисобланади. Масалан, Германияда "дуал таълим" тизими орқали ўқувчилар назарияни коллежда, амалиётни эса корхонада ўрганади. Японияда эса 13-14 ёшданок турли касблар бўйича амалий машғулотлар ташкил қилиниб, ёшлар ўзини синаб кўриш имконига эга.

Қозоғистонда "Ишчи касблари йили" – бу мамлакат тараққиёти йўлидаги муҳим қадамдир. Чунки барқарор иқтисодиёт, мустаҳкам жамият ва кучли давлат пойдевори айнан меҳнаткаш инсонлар, ҳалол ишчи касб эгалари орқали барпо этилади.

А. БҲРОНБОВ.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



ТУРКИСТОН – ЖАҲОН ТЎҚИМАЧИЛИК САРМОЯДОРЛАРИ МАРКАЗИДА

Вилоятимизда энгил саноат ва тўқимачилик тармоғини ривожлантириш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Пахта кластерини ривожлантириш орқали иқтисодий юксалишга эришиш минтақа тараққиётининг стратегик йўналишига айланди.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров жаҳон тўқимачилик саноатида етакчи ҳисобланган «Texhong Group» раҳбарлари билан учрашиб, қатор масалаларни муҳокама қилди. Томонлар йилига 300 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган бир қанча завод қуриш режасини белгилашди.

– Туркистонда пахтани чуқур қайта ишлаш орқали саноатни янги bosқичга олиб чиқиш устувор мақсадимиз. Минтақада инфратузилма

билан таъминланган индустриал худудлар мавжуд, сармоядорлар давлат томонидан қўллаб-қувватланади, – деди Нуралхан Кўшеров.

“Texhong Group” – Хитой, Вьетнам, Туркия, Мексика ва Никарагуада йилига 900 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган корхоналарга эга. Компания Туркистонда ишлаб чиқариш баробарида замонавий технологияларни жорий этиш, экологик андазаларни татбиқ этиш ва касбий тайёр

гарлик тизимини ривожлантиришни ҳам кўзламоқда.

Бугунги кунда вилоятда 150 минг гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. 25та пахтани қайта ишлаш корхонаси фаолият юритмоқда. 2027 йилгача ҳудудда бешта тўқимачилик кластерини ишга тушириш режалаштирилган.

Ушбу компаниянинг Туркистонга кириб келиши – доимий иш ўринлари ва янги имкониятлар манбаидир. Бу қадам вилоят саноатини кластер асосида тараққий эттиришга янги суръат бағишлайди.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР – ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИГА

Туркистон вилояти иқтисодиётини ранг-баранглаштириш мақсадида қайта ишлаш саноатига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров ташаббуси билан сармоядорлар билан учрашувлар ўтказилиб, минтақада бизнес юритиш имкониятлари ва афзалликлари тўғрисида маълумот берилди. Хусусан, маиший ва маъмурий жиҳозлар ишлаб чиқариш соҳасида йirik лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Лойиҳадаги корхона йилига 60 минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, маҳаллий аҳолини доимий иш ўрни билан таъминлайди.

Ҳозирда бозорда мазкур маҳсулот турларининг

импорт улуши 80 фоиздан юқори. Шу боис, қайта ишлаш саноатига сармоя жалб этилиши маҳаллий маҳсулот улушини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Жумладан, қоғоз ишлаб чиқариш соҳасида хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган барча bosқичларни ўз ичига олган ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши кўзда тутилган

Шунингдек, сармоядорлар қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги жиҳозлари ҳамда саноат асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришга ҳам қизиқиш билдирмоқда. Бу эса минтақада саноат кластерларини кенгайтириш, янги иш ўринларини барпо этиш ва маҳсулот сифатини ошириш имкониятини яратди. Учрашувда Н. Кўшеров



Туркистон вилояти сармоя учун қўлай минтақа эканини таъкидлади. Вилоят орқали ўтадиган «Ғарбий Хитой – Ғарбий Европа» халқаро транспорт дахлизи минтақанинг жаҳон бозорлари билан алоқаларини кучайтириши қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳокимлик сармоядорларга солиқ имтиёзлари, экспорт ва логистикада кўмак кўрсатиш, ишлаб чиқариш бинолари билан таъминлаш каби қатор имкониятларни тақлиф этмоқда.

ТУРКИСТОНДА 350та ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Вилоятимизда маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошида тақдим этилган 343та лойиҳанинг 205таси ишга туширилди. Умумий қиймати 31,3 миллиард тенгелик ушбу ташаббуслар натижасида икки мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Қолган лойиҳалар йил якунига қадар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раислигида ўтган мажлисда лойиҳалар ижроси муҳокама қилиниб, масъулларга саноат иншоотлари қури-

лишини жадаллаштириш, маҳаллий тадбиркорларни фаол жалб қилиш ҳамда янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

– Иш бошлайман, деган ҳар бир фуқаронинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашимиз зарур. Йил охирига қадар барча лойиҳаларни тўлиқ амалга оширишимиз шарт, – деди вилоят раҳбари.

Шунингдек, вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қатор қулайликлар яратилмоқда. Ягона мажмуавий дастур доирасида 181та лойиҳага 22,8 миллиард тенге маблағ йўналтирилди. Июль ойидан эътибо-

ран тадбиркорлар учун “Өрлеу” дастури жорий этилди.

Вилоятимизда 20та индустриал минтақа ва кичик ишлаб чиқариш парклари фаолият юритмоқда. Саврон туманида хусусий тадбиркорлар ташаббуси билан 148та саноат биноси қурилаётгани алоҳида қайд этилди. Ҳоким барча туман ва шаҳарларда камида бештадан саноат бинолари барпо этилишини топширган эди.

Айни пайтда Чордара тумани ва Туркистон шаҳрида ишлаб чиқариш парклари қурилиши бошланди, қолган худудларда эса тадбиркорлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК – ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Туркистон шаҳрида келгуси мавсумга тайёргарлик ишлари режага мувофиқ олиб борилмоқда. Шаҳарнинг барча иссиқлик қозонхоналари ва тармоқлари мажмуавий равишда текширилиб, таъмирланмоқда.

Ҳозирга қадар 18та иссиқлик қозонхонаси ва 55 чакиримдан зиёд тармоқларда босмачиновдан ўтказилди. Шунингдек, зарур миқдорда ёқилғи захираси яратилди. Энергетика инфратузилмасини замон талабига мос равишда янгилаш ва эскирган тизимларни замонавийлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда

Вилоят ҳокими Нуралхан Кў-

шеров мазкур жараёнларни назоратдан ўтказар экан, мутасадди раҳбарларга барча ишларни белгиланган муддатда якунига етказиш топширилди.

– Қишки мавсумга тайёргарлик – аҳолининг хавфсизлиги ва муносиб турмуш тарзининг кафолати. Ҳар бир ижтимоий иншоот ҳамда кўп қаватли уй ўз вақтида иссиқликка уланиши шарт. Бунда режадан четга чиқишга йўл қўйилмайди, – деди у.

Ҳозирда шаҳарда 219та кўп қаватли уй, 65та ижтимоий, 60та тадбиркорлик иншооти ҳамда 33та хусусий уй иссиқлик тизимига ула-

нишга тайёр. Барча асосий қозонхоналар табиий газда ишлайди. Энергетик хавфсизликни таъминлаш учун зарур қувват ва ёқилғи ҳажми ҳисоблаб чиқилиб, етказиш ишлари бошланди.

Жорий йилда шаҳарда иситиш мавсумини 20 октябрга қадар тўлиқ йўлга қўйиш режалаштирилган. Инфратузилма ва ёқилғи масалалари ҳокимликнинг назоратида.

Бу тадбирлар аҳоли учун қиш фаслини хавфсиз ва барқарор иссиқлик билан ўтказиш кафолатини беради.

МИЛЛИЙ ҚУРУЛТОЙ – МАЪНАВИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЙЎНЛИГИ



Янги Қозоғистон ғояси ҳаётга татбиқ этилаётган бугунги кунда Миллий Қурултой давлат ва жамият ҳаётида алоҳида аҳамият касб эта бошлади. У маслаҳатчи орган ёки сиёсий минбар ҳамда халқ ва давлат ўртасидаги маънавий кўприк сифатида намоён бўлмоқда. Қурултойда факат иқтисодий масалалар эмас, балки маънавият, китобхонлик, ёшлар тарбияси, миллий қадриятларни асраб-авайлаш каби жамиятнинг руҳий устунларига оид мавзулар ҳам илгари сурилди.

Тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, маънавиятсиз тараққиёт барқарор бўлмайди. Туркистон Олтин Ўрда истибдодида тушган асрларда халқнинг ҳам иқтисодиёти, ҳам маънавий ҳаёти таназзулга учрагани бунга яққол мисолдир. Аммо қозоқ хонлари салтанатида иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёт уйғун тараққий этгани сабабли, Туркистон қисқа муддатда яна жаҳон сахнасига чиққан. Демак, маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини қувватлаб ривожланса, давлат ҳам, жамият ҳам қудратли ижтимоий кучга айланади.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг “маънавиятсиз жамиятнинг келажаги йўқ”, деган сўзлари бугунги кунда айни ҳақиқатга айланмоқда. Зеро, замон шиддати билан кириб келаётган салбий иллатлар – ёт ғоялар, оммавий маданият ниқобида тарқалаётган бузғунчи таъсирлар ёшларни маънавий жиҳатдан заифлаштириши мумкин. Миллий Қурултой ана шу хатарларга қарши жавоб сифатида маънавиятни давлат сиёсати даражасига кўтармоқда. Унда китобхонлик маданиятини ривожлантириш, маънавий меросни асраб-авайлаш, турли дин ва миллат вакиллари ўртасида бағрикенгликни мустаҳкамлаш каби масалалар алоҳида ўрин тутмоқда.

Маънавиятнинг қудрати шундаки, у иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жараёнларга ҳам таъсир кўрсатади. Агар раҳбар маънавий жиҳатдан етук бўлмаса, у жамиятни тўғри бошқара олмайди, халқ билан ишончли мулоқот ўрната олмайди. Шунинг учун Миллий Қурултойда раҳбарлик маданияти, одоб ва инсоф, адолат ва инсонпарварлик каби масалалар ҳам кўтарилмоқда. Чунки юксак маънавият соҳиби бўлган раҳбар ижодий ташаббус кўрсата олмайди, балки жамиятда нохуш оқибатларни олиб келтириши мумкин.

Истиқлол қалбларимизга маънавий озодлик бағишлади. Аммо бу озодликдан самарали фойдаланиш, уни келажак авлодга мустаҳкам ҳолда етказиш учун маънавиятни ҳаётнинг барча соҳаларига татбиқ этиш зарур. Миллий Қурултойнинг асосий моҳияти ҳам шунда – маънавият ва иқтисодий тараққиёт уйғунлигини таъминлаш, Янги Қозоғистоннинг маънавий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкам пойдеворини барпо этиш.

Туркистон шаҳрида ўтган Миллий

А. АБДУФАТТОҲ.

КИТОБ – ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

Бугун кундалик ҳаётимизни техникасиз тасаввур қилиш қийин. Ҳатто чекка қишлоқларда ҳам телефон, планшет ёки компьютердан хабардор бўлмаган бола қолмади. Ҳар бир хонадонда телевизор, турли электрон ускуналар, интернетга уланган қурилмалар мавжуд. Бу – замон ютуғи, инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Бироқ шу ерда муҳим савол туғилди: болаларимиз бу имкониятлардан қандай фойдаланяпти? Техникадан илму маърифат излаяптими ёки фақат вақт ўтказиш воситасига айлантириб қўйдимиз?

Афсуски, кўпинча болалар компьютер орқали тажовузкор ўйинлар билан машғул бўлишади. Экран ортида қонли жангларни бошқариб, ўлдириш ва синдиришдан завқ олиш – бугун кўпчилик учун «оддий ўйин»дек туюлади. Лекин бундай «ҳарбий машқлар» фарзанднинг руҳиятига қанчалик таъсир қилаётгани ҳақида ҳамма ҳам ўйлайвермайди.

Автобуста икки аёлнинг суҳбатига гувох бўлганман. Биринчиси нолиб деди:

– Компьютер деган балони қаёққа қўйишимни билмай қолдим. Болаларим ўлдириш-уриш ўйинларидан чиқмайди.

Иккинчиси эса унга шундай жавоб берди:

– Синглим, компьютер айбдор эмас! У фақат восита. Муаммо – уни қандай ишлатишда. Агар фарзандингиз аввал китоб ўқишга одатланганида, ҳозир компьютердан ҳам илм олиш учун фойдаланган бўларди.

Дарҳақиқат, Чингиз Айтматовнинг асарларидан завқ оладиган бола «қонли ўйин»дан ҳеч қачон ҳаловат топмайди.

Ачинарлиси шундаки, баъзи ота-оналар фарзандига телефон ё компьютер сотиб олишга шошилишда, аммо бирорта китоб олиб бериш ҳақида ўйламайдилар. Бозордан озиқ-овқат, кийим-кечак билан қайтган уйларида бирорта бадийи асарга жой то-

Қурултойнинг иккинчи мажлисида Президент Миллий Қурултойни «фақат баландпарвоз нутқлар айтиладиган минбар эмаслигини таъкидлади.

– Аждодларимиз тарихда энг муҳим ва хатарли вазиятларда Қурултой ўтказган, у ерда халқ тақдирига дахлдор қарорлар қабул қилинган. Бугун ҳам Қозоғистон жамияти олдида мураккаб вазифалар турибди: табиий офатлардан тортиб, ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган иллатлар, сув етишмовчилиги каби оғриқли муаммолар, – деди у ва бу масалалар юзасидан қатъий ечимларни излаш зарурлигини ўқирди.

Қурултойда таъкидланган яна бир жиҳат – маънавий пойтахт сифатида Туркистоннинг ўрни. Шу боис, Президент Яссавий меросини чуқур ўрганиш учун махсус марказ ёки институт ташкил этишни тақлиф қилди.

Давлат раҳбари нутқи давомида қатор амалий топшириқлар ҳам берди: давлат рамазларини тақомиллаштириш, «Болалар кутубхонаси» дастурини йўлга қўйиш, «Халқ ёзувчиси» унвонини тиклаш, кино соҳасида рақамли ҳисоб тизимини жорий этиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Шунингдек, илк бор «Эл бирлиги» номли давлат мукофоти таъсис этилмоқда. Бу ташаббуслар маънавият ва миллий бирлик ғояларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисида ишчи касблар тақчиллиги масаласи ҳам кўтарилди. Қозоғистонда, айниқса, саноат марказларида ишчи мутахассисларга талаб катта экани айтилди. Бу йил мамлакатда «Ишчи касблари йили» деб эълон қилингани бежиз эмас. Демак, Қурултой фақат маънавий масалаларни эмас, балки иқтисодий тараққиёт учун зарур мутахассислар тайёрлаш, меҳнат маданиятини тарғиб қилиш каби ҳаётий йўналишларни ҳам қамраб олмоқда.

Қурултойнинг ҳар бир қарори ортида бир ҳақиқат турибди: маънавият ва тараққиёт уйғун бўлмаса, Янги Қозоғистоннинг пойдевори мустаҳкам бўлмайди.

Тарих кўп бор исботлаган: маънавият ва иқтисодиёт уйғунлашган давлат ҳар қандай тўсқинлардан ўта олади. Миллий Қурултой эса бу ҳақиқатни яна бир бор исботлаган ҳаёт мактабидир.

А. АБДУФАТТОҲ.

Алишер УСМОНОВ,
“Хонарик” умумий ўрта мактаби директорининг
уринбосари, “Шамчирок”
ижодий уюшмаси раиси.

»» "Жанубий Қозоғистон" газетасининг 35 йиллиги олдидан

ЖОНКУЯР МУШТАРИЙЛАРИМИЗ ҲУЗУРИДА

ёки фаол газетхонлардан миннатдормиз



Саврон туманидаги фаол обуначимиз Тохир Абдаев раҳбарлик қилаётган Янги Иқон қишлоқ округи чегарасида дид билан бунёд этилган мухташам арк дарвозасини тасвирга олдим. Марҳум фидойи ҳамюртимиз Собиржон Юсупов ташаббуси ҳамда тадбиркор Баҳодир Ирисметов ҳомийлигида Қарноқ қишлоғи чегарасида 11 йил муқаддам бунёд этилган, бугунги кунда янги қурилишлар орасида кўринмай қолган улкан ғиштин ёзув ўрнида шундай кўркем арк дарвозаси бунёд этилишига ҳимматли юртдошларимиз саъй-ҳаракатлари ила эришсак, нур устига нур.

Қишлоқ округи ҳокимлигига яқинда мутлақ кўп овоз билан сайланган тажрибали мутахассис Тохир Абдаев билан учрашдик. Вилоят оқсоқоллар кенгаши аъзоси Бобожон Ёқубов, қишлоқ ўЗМБ раиси Ўсар Неъматуллаев, жамоатчи муҳбиримиз – устоз боғбон Олим Қосимов билан янгиликлар, эришилган ютуқлар, режалар ҳамда обуна ҳақида биргаликда суҳбатда бўлдик. Бобожон ҳожиёл бирлиги, юрт фаровонлиги, ёшлар саодати учун дуолар қилди.

Қишлоқдаги барча умумтаълим мактабларини шу



рибали устоз, она тилимиз жонкуяри Шоҳида Камолбекова раҳбарлик қилади. Кутубхона мудираси Зарина Мирзаханова ҳамда устозлар жамоаси ила 40 нусха газетамиз ўз вақтида мактабга етказилмоқда. Бу кўрсаткич келаси ярим йилликда ҳам директор саъй-ҳаракатлари билан давом этадиган бўлди.

Бунёдкор Арабхон Тошпўлат ўғли яна бир ўқув

мудираси Нихола Йўлдошева билан 30 нусхалик обуна кўрсаткичини устозлар, маъмурият бошчилигида давом эттиришга келишдик. Саврон тумани маслаҳатининг ишчан депутати, маориф соҳасида меҳнат қилиб, тажриба тўплаган тадбиркор Дилмуҳаммад Ирисбоев саъй-ҳаракатлари билан қишлоқда иккита умумтаълим мактаби бунёд этилган. Уларнинг таълим-тарбия соҳасидаги кўрсаткичлари яхши. Бирига Дилноза Мўминова, иккинчиси Муҳиддин Камолов бошчилик қилади.

Кутубхоначилар Зинаида Аҳмедова ҳамда Зафаржон Сайфуллаевларни мактаб раҳбарлари билан биргаликда тасвирга олдим. Фаол муаллимимиз, шоир, журналист Акажон Иззатуллаев билан келажакда турли мавзуларда учрашувлар ташкил этишни фахрий отахонлар ва маъмурият билан бамаслаҳат ҳолда келишдик. Мактаблар ва синф ота-оналар кўмита-



фидойи отахонлар билан бирга оралаб, давлатимизнинг тинчлик, тотувлик, тараққиёт сиёсатини она тилимизда тарғиб қилаётган "Жанубий Қозоғистон" газетасининг 2026 йил биринчи ярмининг фаол обунасига даъват этдик.

Тажрибали устоз Ўткир Қудратов раҳбарлик қилаётган М. Улуғбек номи мак-

таб директори ўринбосари Мадияр Бериккули ҳамда мактаб кутубхоначиси Онажон Исмоилова 50 нусхалик обуна кўрсаткичини ҳам-касблар билан бамаслаҳат давом эттиришади.

Таниқли тадбиркор Арабхон Тошпўлат ўғли бунёд этган мухташам "Дарын КЗ" умумтаълим мактабига таж-

даргоҳи – "Дарын – КЗ-1" мактабини барпо этган. Мухташам ҳовлига манзарали арча даракхлари ўтқазилган ўқув даргоҳининг ўзгачалиги кўп, хусусан, ёпиқ сузиш бассейни ҳам бор. Мактабга Ўсар Тошпўлатов раҳбарлик қилади.

Ташрифимиз чоғида директор ўринбосари Қудрат Расуллов ҳамда кутубхона

лари раислари, васийлик кенгаши раҳбарлари ҳам обунани уюшқоқли ташкил этишга жалб қилинса, нур устига нур.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Янги Иқон сафаримизда эътиқодли муштарийларимиз ҳузурида.

Муаллиф тасвирлари.

»» Бокс

4-14 сентябрь кунлари Англиянинг Ливерпуль шаҳрида World Boxing шафелигида боксдан илк Жаҳон чемпионати ўтказилди.

Унда 68та давлатдан 540 нафар чарм кўлқоп устаси чемпионлик учун курашди. Ушбу чемпионатда эркеклар ва хотин-қизлар орасидаги беллашувлар бир вақтнинг ўзида ўтказилгани билан тарихий аҳамиятга эга бўлди. Эркеклар ҳам, хотин-қизлар ҳам 10та вазн тоифасида чемпионлик учун курашди.



БОКСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОНДА ТЕНГСИЗ!



Мусобақа якунида 7та олтин, 1та кумуш, 2та бронза медалига сазовор бўлган Қозоғистон миллий терма жамоаси умумжамоа ҳисобидан 1-ўринни кўлга киритди.

Боксдан Жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорлари:

Санжар Ташкенбай (50 кг) – олтин;

Махмуд Сабирхан (55 кг) – олтин;

Тўрехан Сабирхан (57 кг) – олтин;

Айбек Ўралбай (+90 кг) – олтин;

Аида Абикеева (65 кг) – олтин;

Алуа Балқибекова (51 кг) – олтин;

Наталья Богданова (70 кг) – олтин;

Назим Қизабай (48 кг) – кумуш;

Виктория Графеева (60 кг) – бронза;

Елдана Талипова (+80 кг) – бронза.



Қозоғистон терма жамоаси сафида Махмуд Сабирхан ва Санжар Ташкенбайлар Буюк Британияда ўтган мусобақада иккинчи бор жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритишди.

Турнирнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, боксчи йигитлар ўртасидаги олтин медаллар фақат Қозоғистон ва Ўзбекистон чарм кўлқоп усталарига насиб этгани бўлди. Унда ўзбек боксчилари 6та олтин, қозоғистонликлар эса 4та медалга эгалик қилди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 6та олтин, 2та кумуш, 3та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Айбек Ўралбай ўта оғир вазн тоифасида илк қозоғистонлик чемпион бўлса, Наталья Богданова 70 кг вазнда биринчи қозоғистонлик жаҳон чемпиони сифатида тарихга кирди.

Доминикан Республикаси, Нигерия, Фиджи, Филиппин, Франция хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари генетик тест натижаларини муддати-

да тақдим этмагани боис чемпионатдан четлатилди.

Англияда World Boxing шафелиги остида ўтган мусобақа ғолиб ва совриндорларига бериладиган пул мукофотлари тўғрисида маълумот тақдим этилмаган. Шундай бўлса-да, қозоғистонлик чарм кўлқоп усталарини рағбатлантириш кўзда тутилган. Унга кўра, олтин медаль соҳиблари – 15000 АҚШ доллари (8,1 миллион тенге), кумуш медаль эгалари – 7000 АҚШ доллари (3,7 миллион тенге), бронза медали соҳибларига эса 5000 АҚШ доллари (2,7 миллион тенге) пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Хуршид ҚҶҚОРОВ.



Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҶРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22

Қазигурт – Хуршид ҚҶҚОРОВ. +7701-447-37-42

Сайрам – Зокиржон МҶМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90

Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71

Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97

Келес, Саригоҳ – Малика ЭПТОЕВА. +7702-841-78-82

Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон виллоят ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" виллоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VRY00022503 гувоҳнома берилган.
"ERNUR-print" МЧБ бошқарувида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нусха.

Бирорлам 2119.

Навбатчи муҳаррир: Муҳтабар УСМОНОВА.